

И. ТУХТИЕВ

**ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР
СУЛОЛАСИНИНГ ТАНГАЛАРИ**

**ТОШКЕНТ
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рисолада Темур ва темурий шаҳзодалар — Шохруҳ, Маҳмуд Жаҳонгир, Ҳалил Султон, Улугбек, Султон Ҳусайнлар даврида зарб этилган ва ҳозирда М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланаётган олтин, кумуш, мис тангалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
тарих фанлари доктори Э. РТВЕЛАДЗЕ

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори Б. А. АҲМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди Ж. Ҳ. ИСМОИЛОВА

0502000000—290
Г $\frac{\text{М } 355(04)—92}{223—92}$ © Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 1992 й.

ISBN 5—648—01664—6

КИРИШ

Совет Иттифоқининг президенти М. С. Горбачёв ўзининг 1989 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган пленумида сўзлаган «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисидаги» маърузасида: «... инсон она тилида сўзлашиш ва ёзиш, ўз халқининг тарихий йўлини, дostonларини билиш имкониятларидан маҳрум қилиб қўйилса, моддий жиҳатдан қанчалик бадастур бўлмасин, энди у насл-насабсиз, бинобарин маънавий қашшоқ ҳам бўлиб қолади»¹,— деб айтган эди.

Қатта ёки кичик миллат бўлишидан қатъи назар, ҳар бир миллатнинг ўз тарихий йўли ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси бўлади. Лекин шахсга сифиниш ва турғунлик йилларининг касофати туфайли халқимиз ўзининг узоқ ўтмишдаги шонли тарихидан, жаҳон маданиятининг ривожланиши учун қўшган ҳиссасидан ва миллий қаҳрамонлари билан фахрланиш ҳиссидан маҳрум қилиб қўйилган эди.

Минг шукрлар бўлсинки, ҳозирги даврда олиб борилаётган ошкоралик ва демократик сиёсат ўтмишдаги тарих ва миллий масалада йўл қўйилган хатоларга барҳам бермоқда, ҳар бир миллатнинг ўз тарихини тўғри ёритиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда.

Бир миллатни йўқ қилиш учун у миллатни жисмоний йўқ қилиш шарт эмас, бунинг учун фақат у халқнинг ўз тарихини билиш, ўз тилини ўрганиш имкониятларидан маҳрум қилишнинг ўзи кифоядир.

Ўтмишда шундай бўлган ҳам. Темур ва Темурийлар давридан оғиз очиш мумкин эмас эди. Бугун вазият кескин ўзгарди. Тарихий арбоблар ва шахсларга баҳо беришда В. И. Ленин айтганидай: «Та-

¹ «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 20 сентябрь.

рихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»².

Шу муносабат билан Чингизхон мўнғул халқлари учун, Наполеон Франция учун, Иван Грозний ва Пётр I Россия учун тарихда қандай муҳим роль ўйнаган буюк саркарда ва миллий қаҳрамонлар ҳисобланган бўлсалар, Амир Темур ҳам Ўрта Осиёни бирлаштириш ва бу ерда фан-маданиятни ривожига учун ана шундай катта улуш қўшган буюк тарихий шахсдир.

Ҳозир халқимизнинг ўз тарихига, айниқса Темур ва Темурийлар даврига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ана шундай пайтда бу даврга оид турли тарихий материаллар тақчиллигини ҳисобга олиб уларнинг маълум даражадаги эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ушбу «Темур ва Темурийлар сулоласининг тангалари» деб номланган рисоламизни ҳурматли китобхонларимизга тақдим қилмоқдамиз. Бу рисолада берилган материаллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг нумизматика (тангашунослик) фондида сақланаётган ва бундан илгари эълон қилинган Темур ва Темурийлар даврига доир танга пуллар асосида ёзилган бўлиб, бу тангаларни ўрганиш Темур ва Темурийлар давридаги Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий аҳволини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга тарихий материал ва манба бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

² Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 2-том, 204-бет.

АМИР ТЕМУР ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИГА КЕЛИШИДАН АВВАЛГИ УРТА ОСИЕДАГИ ТАРИХИЙ ВАЗИЯТ

Чингизхон Осиёнинг катта қисмини — шарқда Тинч океандан тортиб то Уралгача ва Россиянинг жанубидаги бир қисм жойларни босиб олиб, мўнғул империясига асос солди. Бундай кенг ҳудуддаги диний эътиқоди ўхшаш бўлмаган турли этник группадаги халқларни сиёсий, иқтисодий ва маъмурий томондан бир марказлашган империя қилиб идора қилиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Чингизхоннинг маслаҳатчиси Ело Чу Цай: «От устида юриб бутун дунёни босиб олиш мумкин, лекин одан тушмай бу жойларни бошқариш мумкин эмас», — деб маслаҳат берган эди.

Чингизхон ўзи ҳаёт вақтидаёқ¹ бу босиб олган ерларни тўртта ўғлига суюрғол қилиб берган эди.

Катта ўғли Жучига Урта Осиёнинг шимолидаги дашти Қипчоқ далаларидан тортиб Урал тоғининг ғарби ва Россиянинг жанубидаги катта ҳудуд бўлиб берилган бўлиб, Жучи вафотидан кейин унинг ўғли Ботухон бу жойларда буюк Олтин Урда хонлигига асос солган.

Иккинчи ўғли Чигатойга эса бутун Урта Осиё, Амударёнинг ўнг қирғоғигача бўлган жойлар, Етти-сув вилояти ва Шарқий Туркистондаги Тяньшань тоғининг жануби ва шимолидаги бир қисм жойлар бўлиб берилган ва бу ерлар кейинроқ бориб Чигатой хонлиги ёки Чигатой улуси деб аталган.

Учинчи ўғли Уғитойга эса ҳозирги Мўнғулистоннинг ғарбидаги ерлар: Байкалдан тортиб Балқашгача, Олтой ва Торбоғотойнинг шимолидаги катта ўтлоқли ҳудудлар бўлиб берилган эди.

¹ Чингизхон 1227 йили Мўнғулиянинг шимолидаги танғутларга қарши уруш кетаётган вақтда вафот этган.

Кичик ўғли Тулига эса хоқонликнинг марказий қисми: Мўнғулистон ва Хитойнинг шимолидаги ерлар берилди. Тулининг иккинчи ўғли Қублай 1260 йили хон қилиб кўтарилгандан кейин Хитойнинг жанубига қараб юриш қилиб, бутун Хитойни деярли босиб олиб, бу жойларда 1271 йили Хитой тарихида Юань деб аталган янги бир сулолага асос солди ва бу сулола 1368 йилга келиб Мин сулоласи билан алмашди.

Чингизхоннинг иккинчи ўғли ҳукмронлик қилган Урта Осиё, Еттисув вилояти ва Шарқий Туркистонда дастлабки вақтларда тилга олингудек тарихий воқеалар бўлмаган бўлса ҳам, кейинроқ бориб бу жойларда яшаган ерлик халқлар тақдирида жуда катта роль ўйнаган буюк воқеалар юз беришига сабаб бўлди.

1268 йили Уғитойнинг набираси Қайду Уғитой билан Чигатойга суюрғол қилиб берилган кенг ҳудудда, яъни Тяньшаннинг шимоли ва жанубида, Еттисув ва Урта Осиёда ҳукмронликни ўрнатди.

1301 йили Қайду ўз ажали билан ўлгандан кейин унинг ўрнига ҳокимият тепасига Дувахон ўтирди. Дувахон 1306 йили вафот этгандан сўнг, унинг катта ўғли Эсамбуға қонун бўйича ҳокимият устига чиқди.

Эсамбуғанинг иниси Кепакхон Чигатой хонлигини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор иқтисодий ва маъмурий реформалар ўтказиб, хонлик пойтахтини яйловдан деҳқончилик ноҳияларига кўчириш ташаббуси билан чиқди ва натижада ҳозирги Қарши шаҳарини барпо этди ҳамда уни Чигатой хонлигининг янги маркази қилиб белгилади. Лекин бир қисм мўнғул ҳарбий оқсуяклари ота-боболаримиз давом эттириб келган урф-одат, анъаналар бузилди, деб қарши чиққанларидан сўнг Эсамбуға Мовароуннаҳрдан кўчиб, Или дарёсининг қирғоғидаги Олмалик² деган жойни ўзининг пойтахти деб белгилади.

Эсамбуға хонлигини эътироф қилган Кепакхон эса Мовароуннаҳрда қолди. Бир бутун Чигатой хонлиги деб аталган бу хонлик иккига бўлиниб кетди. Жуда кўп араб ва форс манбаларида Кепакхон ғарбий Чигатой хонлиги, Эсамбуға хони эса Шарқий Чигатой хонлиги деб атала бошланди.

Кепакхон (1318—1326 йилларда) Урта Осиёда пул реформасини ўтказди ва бу жойларда пул системасини бирликка келтиришда Олтин Урда хонлари би-

² Олмалик — Шарқий Туркистондаги Или дарёсининг ўнг қирғоғида, яъни Ғулжа шаҳарининг шимолий ғарбидан тахминан 90 км узоқликда жойлашган қадимги шаҳар.

лан Эрондаги хулагуйдларнинг пул системасидан фойдаланди. Икки мисқол оғирликдаги кумуш (8,8 грамм) пулни динар, мисқолнинг учдан бир (1,5 грамм) қисмини эса дирҳам деб юритди. Кейинроқ бориб бу пуллар Кепакхон номи билан Кепак пули деб аталди³.

Ака-ука Эсамбуға билан Кепакхонлар бирин-кетин (Кепак 1326 йил, Эсамбуға эса 1330 йил) вафот этганларидан сўнг расмий тарзда Шарқий ва Ғарбий Чигатой хонликлари шаклланиб, улар ўртасида жангу жадаллар кун сайин кучайиб кетди.

1346 йилга келиб Шарқий Чигатой хонлигини Эсамбуғанинг ўғли Туғлуқ Темур эгаллади. У ҳокимиятни қўлга киритганидан сўнг дастлаб ислом динини қабул қилгач Чигатой авлодларини ҳам ислом динини қабул қилишга ундади. Кейинчалик эса Шарқий ва Ғарбий Чигатой хонлигини бирлаштиришга ҳаракат қилди.

Туғлуқ Темур Ғарбий Чигатой хонлигини ўзига бирлаштириш мақсадида 1360—1361 йиллари Мовароуннаҳрга ҳарбий юриш қилиб Амударёнинг ўнг қирғоқларигача бўлган жойларни бирлаштиради.

Бу даврда Кеш вилоятининг ҳокими Ҳожи Борлос эди. У Туғлуқ Темур келиши билан бу ерларни ташлаб Хуросонга қочиб кетади. Туғлуқ Темур ўз қароргоҳига қайтаётиб, ўзи учун жуда кўп хизмат қилган Темур Тарағайни Кеш вилояти (Шаҳрисабз)нинг ҳокими этиб тайинлайди.

Темур Тарағай (Амир Темур) Борлос бекларидан Амир Тарағайнинг ўғли бўлиб, 1336 йили Шаҳрисабз ёнидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. У ёшлигиданоқ турли жангу жадал ва талон-торож урушларида қатнашганлиги сабабли ҳарбий жиҳатдан анча тажрибага эга эди. Ана шу урушларнинг бирида унинг ўнг оёғига ўқ тегиб, ярадор бўлиб оқсоқланиб қолгани учун ҳам у тарихда оқсоқ Темур, Темурланг номи билан машҳурдир.

Туғлуқ Темур ўзининг катта ўғли Илёсни Самарқанд ҳокими этиб, кейинроқ эса Темурлангни унга маслаҳатчи қилиб тайинлайди. Лекин Темурланг билан Илёс ўзаро чиқиша олмаганлиги сабабли Темур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

³ Баъзи тадқиқотчилар рус тилидаги «копейка» (тийин) сўзи Кепакхон номи билан боғлиқ деб тушунтирадилар. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Марков А. К. Русская нумизматика. Петроград, 1916, с. 24—25; Массон М. Е. Динарь копейки. Изв. АН Турк. ССР, 1972, № 4, с. 35; Бартольд В. В. Соч. Т. II. Ч. 2. М., 1964, с. 543.

Ана шундай бир пайтда 1363 йили Туғлуқ Темур тўсатдан вафот этади. Илёс эса шошилиб Самарқандни ташлаб, хонлиқ тахтига ўлтириш учун Олмалиққа жўнаб кетади.

Илёс Самарқанддан кетиши биланоқ Балх қалъасини эгаллаб олган Темурланг ўз қайноғаси Хусайн билан Самарқандга ҳужум қилади. Уни эгаллаб олганидак кейин 1365 йили қўшин тортиб Тошкентга юриш бошлайди. Тошкент яқинидаги Чиноз деган ерда Илёс билан Темур ўртасида жуда қаттиқ жанг бўлади. Жанг пайтида кучли жала қуяди, ҳамма от ва жангчилар ботқоққа булғаниб кетадилар. Шунинг учун ҳам бу жанг тарихчилар томонидан «Жанги лой» деб хотирланади.

Бу жангда Темур енгилиб, дастлаб Самарқандга, кейинчалик эса унинг кетидан Илёс қувлаб келаётгани учун Амударё жанубидаги Балх қалъасига чекинади. Илёс хўжа эса Самарқандга кира олмайди, чунки бу ерда сарбадорлар қўзғолони бошланган эди. Унинг раҳбари Мавлонзода бўлиб, у бутун Самарқанд халқини ҳаракатга келтирган, Илёсга қарши қаттиқ мудофаа қурган эди. Улар: «Мўнғуллар зулминини йўқ қиламиз ёки бу йўлда ўзимизни қурбон қилиб дорга осилишга розимиз», — деб ўзларини «сарбадорлар», яъни боши дор остидагилар деб атаганлар.

«Сарбадорлар» қўзғолонидан фойдаланишни мақсад қилган Темурланг ва унинг қайноғаси Хусайн Балх қалъасидан Самарқанд атрофига келиб, сарбадорларга жуда кўп ваъдалар берадилар. Улар Самарқандга кириб олгач, уларнинг раҳбарларининг калласини танасидан жудо қиладилар. Амир Хусайн сарбадорлар раҳбарларидан бири Абу Бакр Қоловийни ўлдирган бўлса ҳам, лекин Амир Темур Мавлонзодани ўзининг келажакдаги буюк мақсадлари йўлида фойдаланиш ниятида унинг ҳаётини сақлаб қолади. Амир Хусайн Чигатой авлодларидан Амир Қазғаннинг (1346—1358 йил) набираси бўлиб, у Мовароуннаҳр ҳокимлигига даъвогар эди.

Сарбадорлар ҳаракатидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрдаги бутун ҳокимиятни Амир Темур ўз қўлига марказлаштирган эди. Темурнинг бу ҳаракатидан норози бўлган Хусайн Самарқанддан кетиб Балхни ўзига марказ қилиб, токи Амир Темур у ерни босиб олгунга қадар ҳукмронлик қилади. Амир Темурнинг ҳужумидан Хутлонга қочган Хусайн у ернинг ҳокими

Амир Хисрав томонидан ўлдирилади⁴, кейин эса Темур Хусайннинг ҳарамидаги аёллардан бири Сарой Мулк Хонимни ўз никоҳига қабул қилади. Сарой Мулк Хоним Чигатой авлодидан Қозонхоннинг қизи бўлганлиги учун ҳам Темур ўзини «кураган» (куёв) деб атаydi. Шундай қилиб Амир Темур 1370 йилга келиб бутун Мовароуннаҳрни яккаю-ягона ҳукмрони бўлиб қолади.

Амир Темур ва унинг тангалари

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодирнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини икки даврга бўлиш мумкин:

Биринчи давр 1370—1386 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Амир Темур Мовароуннаҳрда Чигатой авлодларининг тарқоқ ҳукмронлиги ва уларнинг ҳокимият талашиб бетиним олиб борган урушларига тезда барҳам беради ва Мовароуннаҳрни бир бутун марказлашган давлатга бирлаштиради. У Хоразмни ҳам ўзига бўйсундириш мақсадида Ҳасан Сўфи ва Юсуф Сўфиларга, шунингдек, Олтин Ўрда хонларининг Мовароуннаҳрга қилган юришларига қарши кураш олиб боради. Бу Амир Темурнинг Мовароуннаҳрнинг бир бутун марказлашган давлатга бирлаштириш учун олиб борган кураши эди.

Иккинчи даврда (1386—1404 й.) эса Амир Темур Эрон, Ироққа қарши уч йиллик, 1392 йилдан бошлаб беш йиллик, 1399 йилдан бошлаб етти йиллик уруш олиб бориши натижасида Эрон, Ироқ, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Кавказорти юртларини, Туркия, Миср, Россиянинг жанубий ноҳияларини босиб олади. Бу урушлар, шубҳасиз, талон-торождлик ва босқинчилик характеридаги урушлар эди.

1402 йилдаги Анқара шаҳари яқинида бўлган жангда Амир Темур Туркия султони Боязид Йилдиримнинг икки юз минглик қўшинини қуршаб олиб, уни тор-мор қилади. Бу эса унинг ҳарбий стратегияси ва тактикасининг буюк тантанаси эди. Шу ғалабадан сўнг Темур ва унинг давлатини номи бутун Шарқ ва Ғарбий Европага кенг тарқалди. Унинг қудрати билан Ғарб давлатлари ҳам ҳисоблашадиган бўлди. Франция, Англия, Венеция, Византия давлатлари Амир Темур саройига ўз элчиларини юбориб, у билан ўзаро алоқа ўрнатишга ҳаракат қилдилар. 1403 йилда Испания қиролининг

⁴ Шарафаддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1972, VII—XX бетлар.

элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо Темур саройига келди. Унинг ёзишича, Самарқанд шаҳрида ҳар йили жуда кўп турли хил моллар сотилар, бу моллар эса Хитой, Ҳиндистон, Татаристон (Дашти Қипчоқ) ва бошқа мамлакатлардан келтирилар экан.

Темур ўзи бевосита Чингизхон авлодидан бўлмагани учун ўзини «Амир» деб атади. 1372 йилдан 1388 йилга қадар қўғирчоқ хон Сюрғотмиш, ундан кейин эса унинг ўғли Маҳмудхон номидан иш юритади. Тангаларга эса уларнинг номи билан бирга ўз номини ҳам қўшиб зарб қилдиради. 1402 йили Маҳмудхон вафот этгач, Амир Темур бошқа қўғирчоқ хон тутмай ўша Маҳмудхоннинг номи билан пул зарб қилишни давом эттиради.

Бу тангаларнинг олд томонига:

لا اله الا الله محمد رسول الله (ло илоҳа иллолоҳ Муҳаммад расул Оллоҳ) деб Қуръондан калима ёздирди. Тангаларнинг тўрт бурчагига эса тўрт халифа: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг номларини ёздирди. Танганинг орқа томонига эса:

سيورغتمش خان يرلقى امير تيمور كوركان اكمنو (Сюрғотмишхон ёрлиғи Амир Темур Кураган акмону) деб ёзилган. Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг нумизматика фондида⁵ Н—401/1, Самарқанд, 782/1380 й., Н—401/2—3, Самарқанд, 783/1381; Н—401/4—6, Самарқанд, 784/1382; Н—401/7—57, Самарқанд, 785/1383; Н—401/55—56, Самарқанд, 786/1384 й.; Н—401/57—61, Самарқанд, 786/1384, Н—401/62 рақамларида Самарқандда 788/1386 йилларда зарб қилинган кумуш мириларга ҳам ана шундай Сюрғотмишхон ва Амир Темур номи ёзилгандир (1—4, 18, 27—28-фототасвирларга қаранг). Султон Маҳмудхон ва Амир Темур номидан зарб қилинган кумуш танга ва мириларнинг олди томонига: لا اله الا الله محمد رسول الله (ло илоҳа иллолоҳ Муҳаммад расул Оллоҳ) деб, тангаларнинг орқа томонига эса: سلطان محمود خان

يرليقى امير تيمور كوركان اكمنو (Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Кураган акмано), деб ёзилган⁶. Тангалар асосан кумушдан зарб

⁵ Бундан кейинги саҳифаларда Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг нумизматика фонди сўзи қисқартирилиб, ЎзХТМ шаклида берилади.

⁶ ЎзХТМ фондида Н—401/63—196 рақамларида Самарқандда

этилган бўлиб, оғирлик вази 6 граммни ташкил қилган бўлса, уни танга деб аталган. Танганинг тўртдан бирига тўғри келадиган 1,5 граммлик кумуш пуллар эса Амир Темур номи билан «мир» деб юритилган⁷ (15—16-фототасвирларга қаранг). Ундан бошқа кундалиқ турмушда ишлатиладиган жуда кўп мис чақалар Амир Темур номи билан зарб қилинган (35—36-фототасвирларга қаранг).

Шунингдек, тангалар Самарқанд, Бухорода, Афғонистон ва Озарбайжон сингари мамлакатларнинг Ардабил, Астробод, Астра, Дарбанд, Домғон, Боку, Маҳмудобод, Мордин, Исфохон, Қум, Қирмон, Қасон, Шабанқора, Хой, Табриз, Сабзавор, Сова, Шероз, Шемаха, Шаброн сингари қирқга яқин шаҳарларида зарб қилинган.

Биз қуйида Амир Темур ва Султон Маҳмудхон номи билан Афғонистон, Эрон, Ироқ ва Озарбайжон шаҳарларида турли даврларда зарб қилинган тангаларнинг орқа томонидаги ёзувлардан айрим намуналар келтирамиз⁸.

1. سلطان محمود خان يرليغى امير تيمور كور كان خلدالله
ملكه استر اباد

— Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Курагон халдоллоҳ муликиху, зарб Астробод (19-фототасвирга қаранг).

2. سلطان محمود خان يرليغى امير تيمور كور كان باكو
— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон, зарб Боку⁹.

3. سلطان محمود خان امير تيمور كور كان خلدالله ملكه باكوبه
— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон халдоллоҳ муликиху, зарб Бакуба, ЎзХТМ, Н—401/263.

4. سلطان محمود خان يرليغى امير تيمور كور كان ضرب بغداد
— Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Курагон, зарб Бағдот, ЎзХТМ, Н—113/17⁶.

791/1388 йилдан 800/1397—98 йилларгача Султон Маҳмуд ва Амир Темур номи билан зарб қилинган мирлар сақланмоқда.

⁷ Давидович Е. А. О происхождении и значении термина *мири* в денежном хозяйстве Средней Азии XV—начало XX вв. В. сб.: История и культура народов Средней Азии. М., 1976, с. 124—127.

⁸ Бу тангаларнинг ҳаммасини олд томонига юқорида кўрсатиб ўтилганидек Қуръондан калима ва тўрт халифанинг номи ёзилган.

⁹ Ртвеладзе Э. В. Термезский клад монет Темура и Халил Султана. Ж. ОНУ, 1969, № 8—9.

5. السلطان محمود ... امير تيمور كور كان سوز (م) خلد الله
ملكه ضرب البصره

— ас-Султон Маҳмуд... Амир Темур Курагон сўзи (м)
халдоллоҳ муликиху, зарб Басра, ЎзХТМ, Н—401/263.

6. السلطان الاعظم محمود خان امير تيمور كور كان ضرب هراة

— ас-Султон ало аъзам Маҳмудхон Амир Темур Курагон, зарб Ҳирот. ЎзХТМ, Н—401/267—270 (26—27-фототасвирларга қаранг).

7. السلطان محمود خان خلد الله ملكه امير تيمور

كور كان اكمنو ضرب دامغان ۷۹۹

— ас-Султон Маҳмудхон халдоллоҳ муликиху Амир Темур Курагон акману, зарб Донгон, 799/1396—97, ЎзХТМ, Н—401/274 (21, 29—32-фототасвирларга қаранг).

8. سلطان محمود امير تيمور كور كان خلد الله ملكه دربن

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон халдоллоҳ муликиху, зарб Дербан, ЎзХТМ, Н—401/280—281.

9. السلطان الاعظم محمود خان الا امير تيمور كور كان

اكمنو ضرب يزد ۷۹۷

— ас-Султон ало аъзам Маҳмудхон ало Амир Темур Курагон акману, зарб Йазд, 797/1394—95 (23-фототасвирга қаранг).

10. سلطان محمود خان ير ليغيدين امير تيمور كور كان

خلد الله ملكه ضرب اصفغان

— Султон Маҳмуд ёрлиғидан Амир Темур Курагон халдоллоҳ муликиху, зарб Исфохон, ЎзХТМ, Н—154/180, Н—401/287 (24-фототасвирга қаранг).

11. سلطان محمود خان ير ليغى امير تيمور كور كان

ضرب كاشان

— Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Курагон, зарб Кашон, ЎзХТМ, Н—401/288.

12. سلطان محمود خان امير تيمور كور كان ضرب قم

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон, зарб Қум, ЎзХТМ, Н—401/289.

13. سلطان محمودخان بهادر تیمور بک کورکان خلدالله
ملکه ضرب میردین
— Султон Маҳмудхон баҳодир Темурбек Курагон хал-
доллоҳ муликиху, зарб Мордин. УзХТМ, Н—401/290—
292.
14. سلطان محمودخان یر لیغی خلدالله امیر تیمور
کورکان اکمنو ضرب ساوه
— Султон Маҳмудхон ёрлиғи халдоллоҳ муликиху Амир
Темур Курагон акману, зарб Сова, УзХТМ, Н—401/294.
15. سلطان محمودخان امیر تیمور کورکان خلدالله ملکه
ضرب سلطانیه
— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон халдоллоҳ
муликиху, зарб Султония, УзХТМ, Н—401/296—297.
16. سلطان امیر تیمور کورکان خلدالله ملکه ضرب
تبریز تسحین و سبهمایه
Султон... Амир Темур Курагон халдоллоҳ муликиху,
зарб Табриз. 790/1388, УзХТМ, Н—47/1, 401/298 (25—
26-фототасвирларга қаранг).
17. سلطان محمودخان امیر تیمور کورکان خلدالله ملکه
ضرب خوی
— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон халдоллоҳ
муликиху, зарб Хой, УзХТМ, Н—401/301¹⁰.
18. سلطان العالم محمودخان امیر اعظم امیر تیمور
کورکان خلدالله ملکه ضرب شبانکاره
— Султон ал олам Маҳмудхон ва Амир аъзам Амир
Темур Курагон халдоллоҳ муликиху, зарб Шабонкора,
УзХТМ, Н—401/302.
19. السلطان محمودخان امیر تیمور کورکان خلدالله
ملکه ضرب شراز ۷۸۹
— ас-Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон халдол-
лоҳ муликиху, зарб Шероз, 789/1387, УзХТМ, Н—21/9,
Н—401/303, 800/1397—98 йил (34-фототасвирга қа-
ранг).

¹⁰ Ртвеладзе Э. В. Термезский клад монет Темура и Халил
Султана. Ж. ОНУ, 1969, № 8—9.

20. سلطان محمودخان امير تيمور کورکان خلد الله
ملکه ضرب شماخی

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон халдоллоҳ муликиху, зарб Шемаха, ЎзХТМ, 401/305—306.

Амир Темурнинг геометрик ва ҳар хил нафис нақшлар билан безатилган тангаларига назар ташлар эканмиз, кўз ўнгимизда бу тангаларга урилган тамға (герб) гавдаланади. Бу тамғалар учта чамбараксимон кичик ҳалқачалардан иборат. Испания қиролининг элчиси Р. Н. Клавихонинг фикрича, бу тамғалар «Темур — уч томоннинг ҳукмдори»,— деган маънони англатади. Яна баъзилар мазкур тамға ҳўкиз бошининг рамзидир, яъни ҳўкиз бошининг фақат икки кўзи билан оғзи тасвирланган, деб тахмин қиладилар.

Темур саройида араб ёзуви билан бирга эски турк (уйғурча) ёзув ҳам қўлланилган. Бу ёзув билан битилган ёзма ёдгорлик ва ёрлиқлар темурийлар сулоласининг энг охириги вакиллари даврида ҳам ишлатилиб келинган¹¹. Амир Темур ўзининг 1391 йили Олтин Урда хони Тўхтамишга қарши ҳарбий юришлари ҳақидаги хотира тошини ҳам ана шу ёзув билан ёздирган эди.

Амир Темур тангаларида биз арабча, форсча, туркча ва мўғулча сўзларни ўқиймиз. Масалан: арабча:

خلد الله ملكه وسلطانه (Оллоҳ унинг подшо ва султонлигини мангу боқий қилсин), форсча ضرب (зарб), туркча

اکمنو (акману) ва یر لغی (ирлиғи) сўзим, سوزم (сўзим)

(акману — менинг сўзим), کورکان (куёв) син-

гари сўзларни учратамиз. Мовароуннаҳр ва Самарқандда Чигатой авлодлари ҳукмронлик қилган 150 йил (1220—1370 й.) ичида бирон катта ижтимоий фойдали иморат деярли қурилмаган бўлса, Амир Темур ва унинг авлодлари замонида давлатнинг маркази Самарқанд шаҳри сиёсий-иқтисодий, фан-маданиятда гуллаб, равақ топиб, дунёдаги энг катта гўзал шаҳарлардан бирига айланган. Унинг атрофидаги қишлоқларга эса мусулмон давлатларидаги энг катта шаҳарларнинг номи берилган. Масалан, Дамашқ (Уммавийлар халифалигининг маркази), Бағдод (Аббосийлар сулоласининг маркази), Миср (Фотимийлар сулоласининг маркази). Темур даврида Самарқандда Бибихонимнинг Жо-

¹¹ Бартольд В. В. Соб. соч. Т. I. М., 1963, с. 99.

мий мачити, Кўк сарой, Шоҳизинда ансамбли, Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт ва бошқа боғлар барпо этилган. Шунинг учун ҳам Самарқанд «Самарқанд сайқали руйи замин аст» (Самарқанд ер юзининг кўрки), Бухоро эса «Бухоро қуввати дини ислом аст» (Бухоро ислом динига қувват) деб аталган. Самарқанддаги Бибиҳоним мадрасаси пештоқига «Будунё ўткинчидир, уни эзгуликка сарф этингиз», деган ҳикмат битилган.

Юқорида келтирилган далиллар Амир Темур даврида Урта Осиё шаҳарлари иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиб, жаҳонда машҳур бўлганини кўрсатади.

Темур авлодларидан Муҳаммад Султон, Муҳаммад Жаҳонгир ва Ҳалил Султон тангалари

Амир Темурнинг тўрт ўғли бўлиб, энг каттаси Мирзо Жаҳонгир Темур ҳаёт вақтидаёқ 1376 йили вафот этган.

Иккинчи ўғли Мирзо Умаршайх Форс¹² ҳокими бўлиб, у ҳам Темур вақтидаёқ 1394 йили Қурдистондаги жангда ўқ тегиб ўлган.

Учинчи ўғли Мирзо Мироншоҳ 1366 йили туғилиб, 14 ёшидан бошлаб Темурнинг Хуросонга¹³ қилган ҳарбий юришларида иштирок этган. У Эрон, Озарбайжоннинг ҳокими бўлиб турган пайтда 1396 йили отдан йиқилиб, ақли бир оз заифлашиб қолган. У Табриз яқинидаги туркман лашкарбошиси Қора Юсуф билан бўлган жангда ўлдирилган.

Тўртинчи ўғли Мирзо Шоҳруҳ 1387 йили туғилган, Амир Темур уни 1396 йили Хуросон ҳокими этиб тайинлаган¹⁴.

Мирзо Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султон Амир Темурнинг энг сеvimли набираси бўлиб, отаси Жаҳонгир вафот қилганидан кейин Темур уни ўзининг вориси этиб тайинлаган.

Муҳаммад Султон 1374 йили туғилган бўлиб, 24 ёшида 40 минг лашкарга бошчилик қилиб, ҳозирги Қирғизистондаги Ашпара шаҳри учун бўлган жангларда қатнашиб, ғолиб чиққан. 1399 йили Темур Ҳиндис-

¹² Форс — Эроннинг ғарби-жанубий қисми ана шундай деб аталар эди.

¹³ Хуросон — унга Эрон, Урта Осиёнинг жануби ва Афғонистоннинг бир қисми кирган.

¹⁴ Шарафхан ибн Шамсаддин Бидлисӣ. Шараф-наме. Перевод, предисловие, примечания и приложения Е. И. Васильевой. Т. II. М., 1976, с. 95.

тонга юриш қилган вақтда Муҳаммад Султонни Самарқанднинг ҳокими этиб тайинлаган. У 1401—02 йиллардаги Шимоли-ғарбий Эрон ва Кичик Осиёдаги урушларда, Туркия султони Боязидга қарши жангларда қатнашиб, қайтиб келаётган вақтда тўсатдан касалга чалиниб, 1403 йил 13 мартда вафот этган. Шаҳзоданинг жасади Самарқандга дафн қилинган. Гўри Амир мақбараси Темурнинг арзанда набираси Муҳаммад Султон номи билан боғлиқдир. 1405 йили Амир Темур вафот этганидан сўнг уни Муҳаммад Султон жасади ёнига дафн этганлар. Бу мақбара қурилиши фақат Улуғбек даврига келибгина тамомланди ва Темурийлар авлодининг хилхонасига айлантирилди. Бу ерга Мироншоҳ, Шохруҳ ва Улуғбеклар ҳам дафн қилинган.

Амир Темур ўзининг бу арзанда набирасидан бевақт жудо бўлганлигига жуда қаттиқ қайғуриб, унинг номи мангу ёд этиш мақсадида Муҳаммад Султон номи билан тангалар зарб этган.

Бу тангаларнинг олд томонига Қуръондан калима ва унинг тўрт бурчагига биринчи тўрт халифанинг номи, бошқа бурчакларига эса тангаларни зарб қилган шаҳар ҳамда йиллар ёзилган.

1. ۵۰۸ سمر مند Самарқанд, 805/1402--03 йил.

Орқа томонига эса: سلطان محمود امير تيمور کور کان
امير محمد سلطان

— Султон Маҳмуд Амир Темур Курагон Амир Муҳаммад Султон. ЎзХТМ, Н—401/201—205 (33-фототасвирга қаранг).

2. سلطان محمود امير تيمور کور کان ولی العہدی فی
زمان محمد سلطان

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон вали аль аҳди физомон Муҳаммад Султон. Султония, ЎзХТМ, Н—401/328—330.

3. الاعظم سلطان محمود خان الا امير تيمور کور کان ولی
العہدی اميرزاده محمد سلطان خلد الله ملكه ضرب تبريز
— ало аъзам Султон Маҳмудхон ало Амир Темур Курагон вали аль аҳди амирзода Муҳаммад Султон халидоллоҳ муликиху, зарб Табриз, ЎзХТМ, Н—401/229.

4. ... خان نير ليغی امير تيمور کور کان ولی العہدی
محمد سلطان ۸۰۵

...хон ёрлиғи Амир Темур Курагон вали аль аҳдй Муҳаммад Султон. Йазд, 805/1402—03 йил, ЎзХТМ, Н—401/286.

5. سلطان محمودخان امير تیمور کورکان امان محمد
سلطان سمرقند ۸۰۶

— Султон Маҳмуд Амир Темур Курагон оман Муҳаммад Султон. Самарқанд, 806/1403 йил, ЎзХТМ, Н—401/206—208.

6. سلطان محمودخان امير تیمور کورکان امير زاده
محمد سلطان ضرب سمرقند ۸۰۷

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон амирзода Муҳаммад Султон, зарб Самарқанд, 807/1404—05 йил, ЎзХТМ, Н—401/213—223.

7. السلطان محمودخان امير تیمور کورکان محمد سلطان
خلدالله ملکه

— ас-Султон Маҳмудхон Амир Темур Курагон Муҳаммад Султон халидоллоҳ муликиху¹⁵.

Муҳаммад Султон Амир Темурдан олдин вафот этганлигидан, Темур яна бир бошқа набираси, Мирзо Мироншоҳнинг ўғли Халил Султонни тож-тахт вориси деб эълон қилади. Халил Султон 1384 йили туғилган бўлиб; уни Амир Темурнинг катта ва севимли хотини Сароймулукхоним тарбия қилган эди. У 15 ёшидан бошлаб бобоси билан ҳарбий юришларда қатнашган бўлиб, ҳарбий ва сиёсат ишларидан бохабар эди. Амир Темур Халил Султонни Хитойга қарши юришда (1404 йили) ўнг қанот аскарларнинг қўмондони қилиб тайинлаган эди. У Амир Темур вафотидан сўнг, бир ой ўтгач, Самарқанд тахтини эгаллади. Муҳаммад Султоннинг балоғатга етмаган ўғли Муҳаммад Жаҳонгир номигагина хон деб эълон қилинди. Нима учун Халил Султонни хон деб эълон қилмади? Унинг асосий сабаби бундай эди: «Халил Султонни илгари Темурнинг жияни амирзода Алининг қизи Жаҳон Султон бегимга уйлантириб қўйган эдилар. Халил Султон қонуний хотини бўла туриб амир ҳожи Сайфуддиннинг чўриси соҳибжамол Шодимулкни ёқтириб қолади ва уни ҳожасидан тортиб олиб яширинча никоҳига ўтказди. Амир Темур буни эшитиб дарғазаб бўлади ва ясовулбошини чақиртириб «Шаҳзодани қайда бўлса ҳам тутиб келтирилсун ва маҳди улё Баён оға турган қасрга қамаб қўйил-

¹⁵ Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана, М., 1979, с. 269.

син, беҳаё Шодимулкни эрса ғуломлардан бирига хотин қилиб бериб юборилсун», деб фармон беради. Лекин амирлар соҳибқироннинг кайфияти дурустроқ пайтани пойлаб унинг кўнглини юмшатишга эришадилар. Аммо Амир Темур ўзбошимча набирасининг гуноҳидан ўтса-да, уни валиаҳд қилиш ниятидан қайтган эди»¹⁶.

Ҳалил Султон ҳокимият тепасига чиққандан сўнг, зарб қилган кумуш ва мис пулларга ўз номи билан бирга Муҳаммад Жаҳонгирнинг номини «хон» сўзини қўшмай зарб қилдиради.

Тангаларнинг олд томонига: қуръондан калима ва унинг тўрт бурчагига биринчи тўрт халифа номи ва тангаларни (мирларни) зарб қилган шаҳар, йиллар ёзилган.

Орқа томонига эса:

1. سلطان محمد جهانگر امان الزمان امير خليل سلطان
خلدالله ملكه ۸۰۷

— Султон Муҳаммад Жаҳонгир омон аз-замон амир Ҳалил Султон халдоллоҳ муликиху. 807/1404—05 йил, ЎзХТМ, Н—401/224—246, 808/1405—06 йил. Н—401/247—258.

2. محمد جهانگر الجليل الديان امير خليل سلطان خلدالله
ملكه ضرب في سنة عشرو ثمانماية

— Муҳаммад Жаҳонгир ал-жалил ал-диён амир Ҳалил Султон халдоллоҳ муликиху, зарб фи санаи ашара саманмиа, зарб 810/1407—08 йил¹⁷.

Шоҳруҳ тангалари

Ҳалил Султон ҳокимият устига чиқиши билан Темурнинг ўғли Шоҳруҳ ва набиралари ўртасидаги ҳокимият учун бўлган кураш тиниб-тинчимади. Бу кураш баъзан яширин, баъзан ошкора қуролди тусда олиб борилди. Узоқ йиллик жангу жадаллар натижасида халқнинг қони беҳудага тўкилар, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлар эди. Ана шундай ўзаро курашлардан сўнг Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ ғолиб чиқиб, 1409 йили ўз ўғли Улуғбекни Самарқанд ҳокими этиб тайинлади. Ҳалил Султонни бўлса Ғарбий Эрондаги Рай шаҳарининг ҳокими қилиб белгилади ва у шу ша-

¹⁶ Аҳмедов Б. Улуғбек. Тошкент, 1989, 18-бет.

¹⁷ Ртвеладзе Э. В. Термезский клад монет Тимура и Халил Султана. Ж. ОНУ, 1969, № 8—9; Марков А. К. Инвентарный каталог. СПб, 1896, с. 665—666.

ҳарнинг шимолидаги Шаҳриёр қўрғонида 1411 йили вафот этди¹⁸.

Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни эса Ҳисори Шодмон вилоятига ҳоким этиб тайинлаб, ўзи бўлса Ҳирот шаҳрини пойтахт қилиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда 50 йил мустақил ҳукмронлик қилди.

Шоҳруҳ Мирзо Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бош ҳукмдори сифатида бу жойлардаги ҳамма катта шаҳарларда: Астробод, Бухоро, Домғон, Исфаҳон, Кушон, Қирмон, Қум, Нишопур, Марв, Самарқанд, Сабзавор, Сова, Султония, Табриз, Хоразм, Ҳирот, Шероз ва бошқа шаҳарларда ўзининг кумуш танга пулларини зарб қилди¹⁹. Бу тангаларнинг олд томонига

لا اله الا الله محمد رسول الله

(ло илоҳа иллолоҳ Муҳаммад расул Оллоҳ) деб қуръондан калима ёзилган бўлса, унинг тўрт бурчагига дастлаб тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг номлари ёзилган. Орқа томонига эса асосан:

سلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه و سلطانه

(Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху ва султанаҳу) деб ёзилган сўзлар билан бирга бу кумуш тангалар зарб қилинган сана ва шаҳарларнинг номи қайд этилган. Шоҳруҳ тангаларининг олд томонига, биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Қуръондан калима ва тўрт халифанинг номи ёзилган. Биз қуйида Шоҳруҳ тангаларининг орқа томонига ёзилган сўзлардан айрим намуналар келтирамиз.

1. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله و سلطانه ضرب
استر اباد ۸۳۱

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху ва султанаҳу, зарб Астробод, 831/1427—28 йил, УзХТМ, Н—21/60²⁰, Н—47/63²¹, 836/1432—33 йил (37—38-фототасвирларга қаранг).

2. سلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه و سلطانه
استر اباد ۸۱۵

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ му-

¹⁸ Шарафхан ибн Шамсаддин Бидлиси. Шарафнаме, с. 101.

¹⁹ Марков А. К. Инвентарный каталог, с. 666—671, № 21—

²⁰ Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана, с. 271.

²¹ Уша асар, 272-бет.

ликиху ва султанаху, зарб Астробод, 815/1412—13 йил, УзХТМ, Н—47/52, 816/1413—14 йил; Н—47/66, 841/1437—38 йил.

3. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه سلطانه
يزد ۸۲۲

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху ва султанаху, зарб Йазд, 822/1419 йил, УзХТМ, Н—21/49, Н—47/61, 830/1426—27 йил (39—40-фототасвирларга қаранг).

4. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه ضرب
كاشان ۸۱۰

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху, зарб Кушон, 810/1407—08 йил²², УзХТМ, Н—21/88, Н—21/89, Н—47/72. Саналари ўчиб кетган.

5. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ضرب كرممان ۸۲۸

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху, зарб Қирмон, 828/1424—25 йил, УзХТМ, Н—47/53 (41—42-фототасвирларга қаранг).

6. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه ضرب
سبز او ار ۸۲۸

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху, зарб Сабзор, 828/1424—25 йил, УзХТМ, Н—47/56, Н—173/1, Н—112/68²³.

7. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه ضرب ساوه

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху, зарб Сова, УзХТМ, Н—21/56, 47/74, 47/75. Йил саналари ўчиб кетган.

8. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه ضرب
سمرقند ۸۲۲

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху, зарб Самарқанд. 822/1419 йил, УзХТМ, Н—21/50, Н—47/59, 828/1424—25 йил; Н—21/57, Н—47/62, 830/1426—27 йил; Н—21/59, 831/1427—28 йил; Н—21/61, 832/1428—29 йил; Н—154/195, 839/1435—36 йил; Н—47/67, 842/1438—39 йил; Н—112/70, 847/1443—44 йил (44-фототасвирга қаранг).

9. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه و سلطانه
ضرب سلطانيه ۸۴۵

²² Федоров М. Н. Клад монет Улугбека и Шахруха из Самарканд, Ж. ОНУ, 1969, №3, с. 57.

²³ Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана, с. 272.

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху ва султанаҳу, зарб Султония, 845/1441 йил²⁴.

10. السلطان الاعظم شاهرخ بهادر خلدالله ملكه و سلطانه
ضرب تبريز سنة ۸۲۸

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху ва султанаҳу, зарб Табриз, 828/1424—25 йил; УзХТМ, Н—47/58, Н—47/65, 846/1442—43 йил.

11. السلطان الاعظم العادل الدنيا و الدين شاهرخ بهادر
خلدالله ملكه ضرب شراز

— ас-Султон ал-аъзам ал одил алдунё ва ал-Дин Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиху, зарб Шероз, УзХТМ, Н—21/87²⁵.

Улуғбекнинг Самарқанд салтанатига келиши ва унинг тангалари

Улуғбек Амир Темурнинг набираси ва Шоҳруҳнинг ўғли бўлиб²⁶, у 1394 йил 22 мартда Ғарбий Эрондаги Султония шаҳарида туғилган. Онаси Гавҳаршод оға Чигатой турк амирларидан Ғиёсиддин Тарағайнинг қизи бўлган.

Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад Тарағай бўлиб, лекин бобоси уни ёшлигидан бекларнинг улуғи деб эркатлатгани учун унга Улуғбек номи исм бўлиб қолган. 1409 йил декабрь ойида у Самарқанд салтанатига ўтирган.

Улуғбек Самарқанд салтанатида 40 йил (1409—1449) ҳукмронлик қилган. Мусулмон оламида Улуғбекдан бошқа бирон подшоҳ бу қадар илм-фанда довуғ таратмаган. Улуғбек Самарқандни илм-фан масканига айлантирди, фалакиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшди. Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда илм-фан ва маданият гуллади, савдо-сотик равнақ топди.

Улуғбек даврида гарчи Самарқанд ва Бухорода кумуш тангалар зарб қилинган бўлса ҳам уларни Улуғбек ўз номи билан эмас, балки падари бузруквори Шоҳруҳнинг номи билан чиқарди. У ўз номидан кумуш пулларни фақат отаси Шоҳруҳ вафотидан кейингина зарб

²⁴ Давидович Е. А. Уша асар, 273-бет.

²⁵ Давидович Е. А. Уша асар, 273-бет.

²⁶ Шоҳруҳ мирзонинг беш ўғли бўлган: 1. Улуғбек — Самарқанд ва Мовароуннаҳр ҳокими. 2. Мирзо Иброҳим Форса ҳукмронлик қилган. 3. Мирзо Бойсунқур 1397 йили туғилиб, Хуросон ва Мозандаронни бошқарган (1434 йил вафот этган). 4. Мирзо Сияроғатмиш 1414—16 йиллари Бадахшон ҳокими бўлган. 5. Мирзо Муҳаммад Жўқий — Балх ҳокими (1444 йили вафот қилган).

қилишга киришди. Унинг номи билан кумуш пулларни Самарқанд ва Ҳиротда зарб қилиш ишлари фақатгина икки йилу етти ой давом этди. Шунинг учун ҳам Улуғбек номи билан зарб қилинган кумуш тангалар кам учрайди ва ноёб ҳисобланади.

Шоҳруҳнинг кумуш тангаларида Амир Темур тангаларига хос тамға ва Темурнинг номи йўқ. Улуғбек тангаларида эса Темур давлатининг тамғаси билан унинг номи эса олинади. Масалан:

تيمور کورگان همتی دین الغ بک کورگان سوزم ضرب
سمرقند ۸۵۳

(«Темур Курагон ҳимматидин Улуғбек Курагон сўзим, зарб Самарқанд, 853/1449 йил, ЎзХТМ, Н—47/81) деб ёзилган бўлиб (48-фототасвирга қаранг). Улуғбекдан бошқа биронта авлоди ўз номи билан Амир Темурнинг номини қўшиб зарб қилмаган. Улуғбек худди ана шундай тангаларни 851/1447 йили Хоразмда, 852/1448 йили эса Ҳиротда зарб қилган²⁷.

Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрдаги савдо-сотик ишларини ривожлантириш ва бозорда савдо муомаласида юритилган мис пулларни тартибга келтириш мақсадида 1428—1429 йиллари пул ислоҳоти ўтказиб, мис пулларни янги кўринишдаги шаклда зарб қилди. Бизга маълум бўлган Шарқ манбалари ичида Улуғбекнинг пул ислоҳоти ўтказганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Лекин Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда зарб қилинган мис пулларни чуқур ўрганиш бу даврда пул ислоҳоти ўтказилганлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, нумизматика фани XV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган пул ислоҳоти ўтказилганлигини моддий далиллар билан исботлаб, Мовароуннаҳр тарихини ўрганишдаги яна бир саҳифани очиб берди.

Ўрта Осиё ноҳияларидан топилган жуда кўп дафиналар (хазиналар) ни ўрганиш жараёнида бизга шу нарса аён бўлдики, Улуғбек 1420 йиллари биринчи марта пул ислоҳоти ўтказиб, зарб қилган мис пулларнинг олд томонидаги бурчак шаклида тасвирланган юлдузча ўртасига: ضرب سمرقند عليه (яъни бу пулларнинг зарб қилинган йили 823/1420 йил) деб арабча сўзлар билан ёзилгандир.

²⁷ Марков А. К. Инвентарный каталог, с. 671, № 154—157.

Лекин 823/1420 йиллари Самарқандда зарб қилинган мис пуллар 832/1428—29 йиллари Бухорода зарб қилинган пуллар билан бир дафинада топилмайди ёки жуда камдан-кам учрайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: 1420 йиллари Самарқандда зарб қилинган тангалар (мис пуллар) 1428—29 йиллари Бухорода зарб қилинган пуллар билан алмаштирилган, яъни 1420 йиллари Самарқандда зарб қилинган эски мис пуллар йиғиб олиниб, ўрнига янги кўринишдаги пуллар муомалага чиқарилган.

1428—29 йилларда зарб қилинган пулларнинг олд томонининг марказий қисмига بخارا (Бухоро) ёки ضرب بخار (зарб Бухоро) деб ёзилган бўлиб, унинг чор атрофи турли гулсимон нақшлар билан безатилгандир. Орқа томонига эса бу пулларни зарб қилган саналар ёзилган. فى التاريخ سنة اثنا ثلاثين و ثمانمائة (фи ат тарих санаи исна салосина ва саммиа, яъни 832/1428—29 йил) деб ёзилган.

Бундай мис пуллар фақат Бухорода эмас, балки бутун Ўрта Осиёда энг кўп тарқалгандир. 832/1428—29 йилларда зарб қилинган пулларнинг бундай кўп топилишининг асосий сабаби, бу пуллар бу сана билан зарб қилинибгина қолмасдан, балки ундан кейинги йилларда чиқарилган пулларга ҳам 1428 йил санаси кўшиб зарб қилинганлигидадир. Худди шундай пуллар Мовароуннаҳрдаги бошқа шаҳарларда ҳам, Хуросон, Андигон (Андижон), Қарши (Кеш), Термез, Самарқанд ва Шоҳруҳияда ҳам зарб қилинган бўлса, кейинроқ бундай пулларни зарб қилиш асосан Бухорога марказлаштирилган. 832/1428—29 йиллари зарб қилинган мис пуллар XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида ҳам савдо муомаласида бўлган. Лекин бу пулларнинг устига ҳар бир шаҳар ўз тамғасини уриб муомалага чиқарган²⁸.

Биз юқорида Шоҳруҳ вафот этганидан сўнг Ҳирот ҳукмронлиги Шоҳруҳнинг набираси (Бойсунқурнинг ўғли) Олоуддавла қўлига ўтганлигини айтган эдик. Улуғбекнинг катта ўғли Абдуллатиф Ҳирот ҳукмронлигини ўз қўлига олиш учун Олоуддавлага қарши кўп курашди. Бу курашда Оллоуддавла ғолиб чиқиб, Абдуллатиф ўз мақсадига эришолмади.

²⁸ Қаранг: Давидович Е. А. История денежного обращения средневековой Средней Азии. М., 1983.

Улуғбек қатл қилингандан кейинги Темурийлар авлодининг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги ва уларнинг тангалари

Падаркуш Абдуллатиф кейин ўз иниси Абдулазизни ҳам қатл қилди. Лекин кўп ўтмай Абдуллатиф Улуғбекнинг амирларидан бири Бобо Ҳусайн Баҳодир томонидан ўлдирилди. Падаркушнинг жазоси ана шундай бўлади деб унинг бошини Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйдилар. Халқ уни оламга сазойи қилди.

Абдуллатиф отасини ўлдириб Самарқанд салтанатида 6 ой ҳукмронлик қилган бўлса ҳам у ўз номидан пул чиқаришга улгурди. Бу тангаларга ўз номи билан бирга бобоси Шохруҳ номини ҳам қўшиб зарб қилди:

السلطان اعظم عبداللطيف بهادر بن شاه رخ بهادر
بن تیمور کورکان سمرقند سنه ۸۵۳

(ас-Султон ал-аъзам Абдуллатиф баҳодир ибн Шохруҳ баҳодир ибн Темур Курагон Самарқанд, санаи 853/1449²⁹).

Абдуллатиф ўлдирилгандан сўнг Самарқанд тахтини Улуғбекнинг жияни (Мирзо Иброҳимнинг ўғли) Мирзо Абдулла эгаллади. У Самарқандда бор-йўғи бир йил ҳукмронлик қилди ва шу вақт ичида ўз номидан танга пуллар зарб қилди. Бу пулларнинг олд томонига одатдагидай Қуръондан калима ва дастлаб тўрт халифанинг номи ёзилган бўлса, унинг орқа томонига:

السلطان الاعظم الخاقان الاعلى مرشد الدين سلطان
عبدالله بهادر خلدالله ملكه و سلطانه سمرقند فى سنه ۸۵۴

(ас-Султон ал-аъзам ал-хоқон ал-одил мршид ад-Дин Султон Абдулла баҳодир халдоллоҳ муликиху ва султанаху, зарб Самарқанд фи сана 854/1450—51) деб ёзилгандир. УзХТМ, Н—112/172³⁰.

1451 йили Самарқанд ҳукмронлигини ўзини Мироншоҳнинг набираси, Султон Муҳаммаднинг ўғли деб юритган Мирзо Абусаид эгаллади.

Абусаид Шохруҳ вафотидан кейин парчаланиб кетган Темурийлар давлатини бирмунча тиклашга муваффақ бўлди. Лекин тахт учун бўлган жангу жадаллар 1469 йилга, яъни Султон Ҳусайн Хуросонни ўзига қаратиб олгунга қадар давом этди³¹.

²⁹ Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана, с. 273.

³⁰ Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана, с. 274; Марков А. К. Инвентарный каталог, с. 671, № 158.

³¹ Қаранг: Аҳмедов Б. Узбекларнинг келиб чиқиши тарихидан. Тошкент, 1962, 60—70-бетлар.

Абусаид ўз номидан тангалар зарб қилди. Бу тангаларнинг орқа томонига:

ضرب السلطان الاعظم ابو سعد كوركان خلدالله ملكه
و سلطانه

(зарб ал-Султон ал-аъзам Абусаид Курагон ҳалдоллоҳ муликиху ва султанаху) деб ёзилган, ЎзХТМ, Н — 47/ 94³².

Абусаид вафотидан сўнг ўғли Султон Аҳмад 1469 йили Самарқанд тахтига ўтирди. Султон Аҳмад Самарқандда 1469—1494 йиллари ҳукмронлик қилиб ўз номидан танга пуллар зарб қилди. Бу тангаларнинг орқа томонига:

السلطان الاعظم سلطان احمد كوركان خلدالله تعالى
ملكه و سلطانه ضرب سمرقند

(ас-Султон ал-аъзам Султон Аҳмад Қўрагон халдоллоҳ таъоло муликиху ва султонаху, зарб Самарқанд) деб ёздирган. ЎзХТМ, Н — 21/98³³.

1495 йили унинг иккинчи ўғли Бойсунқур 18 ёшида Самарқанд тожу тахтига эга бўлди ва 1497 йилга қадар ҳукмронлик қилиб ўз номидан танга пуллар чиқарди. Бойсунқур пулларнинг орқа томонига:

السلطان الاعظم خلدالله ملكه و سلطانه

(ас-Султон ал-аъзам халдоллоҳ муликиху ва султанаху) деб ёздирган. Танганинг марказий қисмида юмалоқ

доира ичига سلطان باى سنغورغازى

(Султон Бойсунқур ғози, 901/1495—96) деб ёзилган бўлса,

тангаларнинг олд томонига: لا اله الا الله محمد رسول الله

(ло илоҳа иллоҳо Мухаммад расул Оллоҳ), атрофига эса аввалги тўрт халифанинг номи ва сифатлари: Абу Бакр ас-Сиддиқ, Умар ал-Фаррух, Усмон зул-нурайн, Али ал-Муртазон деб ёзилгандир. ЎзХТМ, Н—21/120³⁴ (51-фототасвирга қаранг).

1495/1500 йиллари Мовароуннаҳрда Темурийлар (Бойсунқур, Султон Али мирзо Бобур) орасида тожу тахт учун кураш авжига чиқди. Фурсатдан Шайбонийхон фойдаланиб, Самарқандни 1500 йили босиб олди.

³² Марков А. К. Инвентарный каталог, с. 671, № 159—162.

³³ Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана, с. 276—277; Марков А. К. Инвентарный каталог, с. 672, № 163—167.

³⁴ Марков А. К. Инвентарный каталог, с. 674, № 197—215.

Темурийлар авлодининг Хуросондаги ҳукмронлиги ва уларнинг тангалари

Шоҳруҳ вафотидан сўнг Амир Темури авлоди ўртасида Хуросон ҳукмронлиги учун олиб борилган ўзаро курашлар кучайиб кетди. Мовароуннаҳрни Улуғбек, Хуросонни Мирзо Олоуддавлани, кейинча Абулқосим Бобур (1477—1451), Эрон ва Форсни эса унинг иниси Мирзо Султон Муҳаммад (1458—1452) идора қилди.

Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Хуросондаги шаҳзодалар ўртасида ҳокимият учун бўлган кураш янада кучайиб кетди. Ҳиротни Олоуддавланининг ўғли Мирзо Иброҳим эгаллади. Абулқосим Бобурнинг меросхўр ёш ўғли Шоҳмаҳмуд эса Машҳадга қараб қочди. Абусаид фурсатдан фойдаланиб Хуросонга қўшин тортди ва Мирзо Иброҳимни тор-мор келтириб, Ҳиротни эгаллади. Бироқ кўп вақт ўтмай Балх шаҳрида Улуғбекнинг набираларидан (Абдуллатиф ўғилларидан) Муҳаммад Жўқий ва Мирзо Аҳмадлар унга қарши исён кўтардилар. Исён Абусаид томонидан бостирилди ва у Шоҳруҳ вафотидан кейин парчаланиб кетган Темурийлар давлатини маълум даражада тиклашга мўяссар бўлди.

Абусаид ўлдирилгандан сўнг (1469) Хуросон ҳукмронлигини қўлга киритиш учун бўлган кураш янада авж олди.

1469 йили Султон Муҳаммаднинг ўғли (Бойсунқурнинг набираси) Мирзо Ёдгор Муҳаммад билан Умар Шайхнинг чевараси Султон Ҳусайн ўртасидаги кескин жанглар натижасида Ёдгор Муҳаммад ўлдирилиб, бутун Хуросон Султон Ҳусайн Бойқаро қўлига ўтди.

Султон Ҳусайн Бойқаро замонида (875/1470—912/1506) Хуросоннинг Астробод, Машҳад, Марв, Сабзавор, Семнон сингари катта шаҳарларида олтин, кумуш ва мис тангалар зарб қилиниб, савдо муомаласида кенг юритилди. Биз қуйида Султон Ҳусайн томонидан зарб қилинган тангалардан айрим намуналар келтирамиз.

1. السلطان الاعظم ابولغازى سلطان حسين بهادر خلدالله

تعالى ملكه و سلطانه ضرب استر اباد ۸۹۷

(ас-Султон ал-аъзам, Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир халдоллоҳ таъоло муликиҳу ва султанаҳу, зарб Астробод, 897/1491—92 йил). ЎзХТМ, Н—47/82; Н—154/201, 902/1496—97 йил (49-фототасвирга қаранг).

2. السلطان الاعظم ابولغازى سلطان حسين بهادر خلدالله

تعالى ملكه و سلطانه ضرب مشهد ۸۷۴

(ас-Султон ал-аъзам Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир халдоллоҳ таоло муликиҳу ва султанаҳу, зарб Машҳад, 874/1469—70 йил). ЎзХТМ, Н—47/89 50-фототасвирга қаранг).

3. السلطان الاعظم ابولغازى سلطان حسين بهادر خلد الله تعالى ملكه و سلطانه ضرب هراة ۸۹۰

(ас-Султон ал-аъзам Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир халдоллоҳ таоло муликиҳу ва султанаҳу, зарб Ҳирот, 890/1485 йил). ЎзХТМ, Н—47/90, Н—21/109, Н—47/83, Н—47/87, Н—112/71, Н—154/203, Н—154/207, Н—154/208, Н—154/209, йил саналари ўчган.

Султон Ҳусайн 70 йил яшаб умрининг охирги йилларида шол касалига мубтало бўлиб қолди. Унинг 14 ўғли бўлиб энг каттаси Бадиуззамон эди. Ўғилларидан еттитаси отаси ҳаёт вақтида вафот этган бўлса-да, қолганлари отасидан кейин қолиб, ўзаро тахт учун кураш бошладилар. 1506 йили Ҳусайннинг вафот этганини ва унинг ўғиллари ўртасидаги ўзаро иттифоқсизликни кўрган Шайбонийхон отнинг чулворини Ҳирот томон бурди.

Ана шундай жиддий бир пайтда Абусаиднинг набираси (Умар Шайхнинг ўғли) Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиротга бориб Султон Ҳусайн ўғилларини иттифоқлаштириб Шайбонийхонга қарши курашга чақирди. Гарчи Бобурни Султон Ҳусайн ўғилларидан Бадиуззамон ва Музаффарлар жуда илиқ кутиб олган бўлсалар ҳам, лекин улар бирлашиб кетолмаган эдилар.

Ана шундай бир пайтда Шайбонийхоннинг жуда кўп аскарлар билан Балхни эгаллаганлиги ҳақидаги хабар Ҳиротга етиб келади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султон Ҳусайн ўғиллари билан бир умумий иттифоққа кела олмаганлиги учун орқага қайтиб, отни Кобул томон қамчилайди. Шайбонийхон ҳужум қилиб келаётганлиги учун у ерда ҳам туролмай, Ҳиндистоннинг Агра шаҳрига чекиниб, бу ерда Буюк мўғуллар сулоласига асос солади. Бу империя Ҳиндистонда XIX асрга қадар ҳукмронлик қилади.


1507 йили Бадиуззамон билан Музаффарлар Шайбонийхонга қарши курашган бўлсалар ҳам, лекин бу курашда улар қўлга тушиб қатл қилинадилар. Қолган ўғиллари эса ҳар томонга қараб қочиб ўз жонларини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. 913/1507 йили Шайбонийхон ҳеч қандай кучли қаршилиққа учрамай жуда осонлик билан Ҳиротнинг салтанат тахтини қўлга


киритади ва ўша йилнинг ўзидаёқ Хиротдаги катта жамоа мачитларидан бирида ўз номига хутба³⁵ ўқитириб тангалар зарб қилдиради. Ана шу хутба Темур ва Темурийлар авлодининг Хуросондаги ҳукмронлигига ўқилган жаноза фотиҳаси ҳам эди.



Шундай қилиб, 170 йил ҳукмронлик қилиб жаҳонни титратган Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги тугатилиб, унинг ўрнига Ўрта Осиё тарихида янги бир сулола, Шайбонийлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланади.

Қуйида Темурийлар даврида зарб этилган тангалардан айрим намуналар келтирилган.

³⁵ Хутба одатда жума кунини, ҳайит кунларини хатиб томонидан қуйидаги муносабатлар билан ўқилган: 1. Янгидан тахтга чиққан подшоҳ номини хутбага қўшиб, унинг ҳукмронлигини эътироф қилиб эълон қилишганда. 2. Жума кунларини ва ҳайит намозларида панд-насиҳат айтиш лозим бўлганда.










11



12




13



14



15




16



17



18




19




20










29




30




31



32







37



38



39



40






41



42




43




44







49



50



51



52

ТАНГАЛАР ФОТОТАСВИРИНИНГ РУЙХАТИ

1. Сияурғотмишхон ва Амир Темур номи билан 783/1381 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
2. Сияурғотмишхон ва Амир Темур номи билан 785/1383 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
3. Сияурғотмишхон ва Амир Темур номи билан 785/1383 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
4. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 791/1389 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
5. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 791/1389 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
6. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 793/1391 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
7. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 795/1393 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
8. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 796/1394 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
9. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 796/1394 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
10. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 798/1395 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
11. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 799/1396—97 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
12. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 801/1398—99 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
13. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 801/1398—99 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
14. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 801/1398—99 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
15. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 802/1399—

- 1400 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
16. Муҳаммад Жаҳонгир ва Ҳалил Султон номи билан 808/1405—06 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир.
 17. Муҳаммад Жаҳонгир ва Ҳалил Султон номи билан Самарқандда зарб қилинган кумуш танга — мир, йили ўчиб кетган.
 18. Сиюрготмишхон ва Амир Темур номи билан зарб қилинган кумуш танга, йили ва шаҳри номаълум.
 19. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Астрободда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 20. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Ўрду шаҳрида зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 21. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Домғонда 799/1396—97 йили зарб қилинган кумуш танга. Тангадаги сана муҳргарнинг айби билан 799 йил ўрнига 997 йил деб хато берилган.
 22. Маҳмудхон Амир Темур номи билан Домғонда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 23. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 797/1394—95 йили Яздда зарб қилинган кумуш танга.
 24. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан 797/1394—95 йили Исфahонда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 25. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Табризда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 26. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Табризда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 27. Сиюрготмишхон ва Амир Темур номи билан 782/1380 йили Ҳиротда зарб қилинган кумуш танга.
 28. Сиюрготмишхон ва Амир Темур номи билан 782/1380 йили Ҳиротда зарб қилинган кумуш танга.
 29. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Ҳиротда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 30. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Ҳиротда 804/1401—02 йили зарб қилинган кумуш танга.
 31. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Ҳиротда 804/1401—02 йили зарб қилинган кумуш танга.
 32. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Ҳиротда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
 33. Маҳмудхон, Амир Темур ва Муҳаммад Султонлар номи билан зарб қилинган кумуш танга, йили ва шаҳри номаълум.
 34. Маҳмудхон ва Амир Темур номи билан Шерозда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.

35. Амир Темур номи билан 785/1383 йили Самарқандда зарб қилинган мис пул (фулусь).
36. Амир Темур номи билан зарб қилинган мис пул (фулусь), йили ва шаҳри номаълум.
37. Шоҳруҳ номи билан 830/1426—27 йили Астра шаҳрида зарб қилинган кумуш танга.
38. Шоҳруҳ номи билан 836/1432—33 йили Астра шаҳрида зарб қилинган кумуш танга.
39. Шоҳруҳ номи билан 830/1426—27 йили Язд шаҳрида зарб қилинган кумуш танга.
40. Шоҳруҳ номи билан Язд шаҳрида зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
41. Шоҳруҳ номи билан 828/1424—25 йили Қирмон шаҳрида зарб қилинган кумуш танга.
42. Шоҳруҳ номи билан 828/1424—25 йили Қирмон шаҳрида зарб қилинган кумуш танга.
43. Шоҳруҳ номи билан 829/1425—26 йили Султония шаҳрида зарб қилинган кумуш танга.
44. Шоҳруҳ номи билан Самарқандда зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
45. Шоҳруҳ номи билан 807/1404 йили Ҳиротда зарб қилинган кумуш танга.
46. Шоҳруҳ номи билан 832/1428—29 йили Ҳиротда зарб қилинган кумуш танга.
47. Шоҳруҳ номи билан Султония шаҳрида зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
48. Улуғбек номи билан 853/1449 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга.
49. Султон Ҳусайн номи билан Астробод шаҳрида зарб қилинган кумуш танга, йили номаълум.
50. Султон Ҳусайн номи билан 874/1469—70 йили Машҳадда зарб қилинган кумуш танга.
51. Бойсунғур номи билан 901/1495—96 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга.
52. Султон Али Мирзо номи билан 904/1498—99 йили Самарқандда зарб қилинган кумуш танга.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Амир Темур ҳокимият тепасига келишидан аввалги Урта Осиёдаги тарихий вазият	5
Амир Темур ва унинг тангалари	9
Темур авлодларидан Муҳаммад Султон, Муҳаммад Жаҳонгир ва Ҳалил Султон тангалари	15
Шоҳруҳ тангалари	18
Улуғбекнинг Самарқанд салтанатига келиши ва унинг тангалари	21
Улуғбек қатл қилингандан кейинги Теурийлар авлодининг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги ва уларнинг тангалари	24
Теурийлар авлодининг Хуросондаги ҳукмронлиги ва уларнинг тангалари	26
Тангалар фототасвирининг рўхати	41

Ирпан Тухтиев

Монеты Тимура и Тимуридов

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон Республикаси ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган.

Муҳаррир Х. Зарипова
Мусаввир Б. Хайбуллин
Техмуҳаррир Р. Қодирова
Мусаҳҳиҳ С. Зокирова

ИБ № 5974

Теришга берилди 3.01.92. Босишга рухсат этилди 14.04.92. Қороз бичими 84×108¹/₃₂. Босмахона қорози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма т. 23.1. Ҳисоб-нашриёт т. 2.2. 10000 нуска. Буюртма 29.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмаҳонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79.